

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К.01.03**

РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КАДИРОВА ЗУХРА ЧИНГИЗОВНА

**МЕТАЛЛ ОКСИДЛАР, ОРГАНИК КИСЛОТАЛАР ВА
N-ГЕТЕРОҲАЛҚАЛИ ЛИГАНДЛАР ҲОСИЛАЛАРИ АСОСИДАГИ
СОРБЦИОН ВА ФОТОКАТАЛИТИК МАТЕРИАЛЛАР**

02.00.01-Ноорганик кимё

02.00.04-Физик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the abstract dissertation of doctor of sciences (DSc)

Кадилова Зухра Чингизовна

Металл оксидлар, органик кислоталар ва N-гетероҳалқали лигандлар
ҳосилалари асосидаги сорбцион ва фотокаталитик материаллар. 3

Kadirova Zukhra Chingizovna

Sorption and photocatalytic materials based on metal oxides and metal
complexes of organic acids derivatives and N-heterocyclic ligands. 29

Кадилова Зухра Чингизовна

Сорбционные и фотокаталитические материалы на основе оксидов
металлов и металлокомплексов производных органических кислот и
N-гетероциклических лигандов. 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works. 60

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КАДИРОВА ЗУХРА ЧИНГИЗОВНА

**МЕТАЛЛ ОКСИДЛАР, ОРГАНИК КИСЛОТАЛАР ВА
N-ГЕТЕРОҲАЛҚАЛИ ЛИГАНДЛАР ҲОСИЛАЛАРИ АСОСИДАГИ
СОРБЦИОН ВА ФОТОКАТАЛИТИК МАТЕРИАЛЛАР**

**02.00.01-Ноорганик кимё
02.00.04-Физик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc./K3 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu.uz) ва «ZiyoNET» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Парпиев Нусрат Агзамович,
кимё фанлари доктори, профессор, академик

Шарипов Хасан Турабович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рўзимуродов Олим Нарбекович,
кимё фанлари доктори

Najime Wagata
техника фанлари доктори, профессор

Каттаев Нуриддин Тураевич
кимё фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (99871)227-12-24, факс: (99824)246-53-21, 246-02-24, E-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (99871)227-12-24, факс: (99824)246-53-21, 246-02-24. e-mail: nauka@nuu.ru)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х. И. Акбаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.А. Гафурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

М.Г. Мухамедиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда янги сорбцион ва оксидловчи фотокаталитик материалларни мақсадли равишда яратиш ва уларни металлургия, кимё саноати ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳалари технологик жараёнларида, жумладан, ҳаво, оқава ва ер усти сувларини органик ва ноорганик ифлослантирувчилардан тозалашда қўллаш муҳим ҳисобланади. Айниқса бу борада арзон ва юқори самарали, экологик тоза сорбент-фотокаталитизаторларни яратиш, уларнинг физик-кимёвий, сорбцион ва каталитик хоссаларини яхшилаш алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда олиб борилаётган илмий изланишларда керакли физик-кимёвий хусусиятларга эга сорбент-фотокаталитизаторларни йўналтирилган ҳолда синтез шароитини ишлаб чиқиш бўйича замонавий тадқиқотлар сорбция ва нанодаражадаги фотокаталитик фаолликни ўз ичига олган янгича ёндошув асосида амалга оширилмоқда. Нанозаррачалар учун солиштирма юза ва реакция қобилиятнинг ортиши, сирт реакциялари зонасигача бўлган масофанинг қисқариши сабабли фотогенерацияланган заряд ташувчиларни янада самарали ажралиши содир бўлади. Дунёнинг етакчи олимлари томонидан сорбент-фотокаталитизаторларни олиш учун янги металлокомплексли каталитизаторларни синтез қилиш ва структурасини ўрганиш, каталитизатор ташувчилари учун матрицаларни танлаш ҳамда уларга турли металоксидли нанозаррачаларни мақсадли киритиш, сорбция ва фотореакциялар кинетикаси ҳамда механизмини аниқлаш, шунингдек олинган материалларни фотосинтез параметрлар асосида экотоксикологик баҳолаш бўйича кўплаб назарий ишлар амалга оширилган.

Мамлакатимизда кимё саноати соҳасини ривожлантириш мақсадида замонавий талабларга жавоб бера оладиган янги турдаги сорбентлар ва фотокаталитизаторлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, айниқса, янгича ёндашувларга асосланган ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида сорбент ва фотокаталитизаторлар олишнинг илмий асосларини яратиш ва ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳаллий кимёвий сорбентлар билан таъминлаш соҳасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулот ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш»га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хом ашёлар асосида сорбцион ва каталитик материалларни ишлаб чиқариш учун иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик тоза технологияларни яратиш, улардан чиқиндиларни утилизация қилиш ва экологик хавфсизлик учун фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

¹2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-илова, п. 3.2.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3983-сон, 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3479-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Металл оксидлари, органик кислоталар ва N-гетероҳалқали лигандлар ҳосилалари металлокомплекслари асосида сорбцион ва фотокаталитик материалларни олишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Tokyo University of Science (Япония), Stockholm University (Швеция), Tokyo Institute of Technology (Япония), University of California Irvin (АҚШ), University of Erlangen-Nurnberg (Германия), Technical Institute of Physics and Chemistry (Хитой), Санкт-Петербург давлат университети (Россия), Ўзбекистон Миллий университети, Биоорганик кимё институти, Умумий ва ноорганик кимё институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Металлокомплекслар, сорбент-фотокатализаторларни олиш ва уларни қўллашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: азотли гетероҳалқали бирикмалар билан аралаш лигандли комплекслар синтез қилинган (Умумий ва ноорганик кимё институти, Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон); оксидланиш реакциясида каталитик фаолликка эга оксомолибден ва ванадий комплекслари синтез қилинган (Stockholm University, Швеция); қуёш нурлари таъсирида фото-электрокимёвий жараёнларни қўллашнинг истиқболли йўналишлари аниқланган (Tokyo University of Science, Япония); чиқиндиларни утилизация қилиш асосида экология соҳаси учун янги сорбцион фотокаталитик материаллар олинган (Tokyo Institute of Technology, Япония); сувни фотокаталитик парчалаш учун қурилма яратилган (University of California Irvin, АҚШ); органик синтез учун фотокаталитик жараёнларнинг синтетик аспектлари аниқланган (University of Erlangen-Nurnberg, Германия); плёнкали функционал фотокаталитик қопламалар, гетероструктурали нанокомпозицион фотокатализаторлар, сув ва ҳавони тозалаш учун сорбцион материаллар ишлаб чиқилган (Technical Institute of Physics and Chemistry,

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.scholar.google.com>, <http://www.sciencedirect.com> ва бошқа манбаалар материаллари асосида тайёрланган

Хитой; Санкт-Петербург давлат университети, Россия; Ўзбекистон Миллий университети, Умумий ва ноорганик кимё институти, Ўзбекистон).

Дунёда янги аралаш лигандли комплекслар олишнинг ва «таркиб-структура-микроструктура-хосса» боғлиқлиги қонуниятларини аниқлаш, улардан сорбцион ва фотокаталитик материаллар сифатида амалда фойдаланиш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: юқори самарали янги сорбент-фотокаталитизаторларни мақсадли олиш; сорбент-фотокаталитизаторларнинг сорбцион, каталитик ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш; металлокомплекслар иштирокидаги каталитик механизмларни аниқлаш; экологик муаммоларни бартараф этишга, фотосинтетик фаоллик асосида экотоксикологик назоратга ёрдам берувчи янги сорбцион ва фотокаталитик материалларни синтез қилиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг қатор етакчи илмий марказларида сорбент-фотокаталитизаторларни олиш, улардан оқова ва ер усти сувларини тозалашда, фотосинтетик фаоллик асосида экотоксикологик назоратда фойдаланишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, А. Fujishima, L. Jiang, H. Kisch, S. Ardo, M. Miyauchi, A.V. Емелин тадқиқотларида ушбу йўналишга алоҳида эътибор қаратилган.

Адабиётлардаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, 2-амино-1-метилбензимидазол, никотин- ва пиразингидроксам кислоталар асосидаги аралаш лигандли комплексларнинг синтези, тузилишини, каталитик фаоллигини ўрганиш бўйича тизимли тадқиқотлар ўтказилмаган. А.Д.Гарновский, В.Ю. Кукушкин, F. Kuhn, M. Karkas каби олимларнинг ишлари каталитик фаолликка эга гетероҳалқали металлокомплекслар тадқиқотига бағишланган.

Ўзбекистонда координацион бирикмалар кимёси соҳасида академиклар Н.А.Парпиев, А.Ғ. Ғаниев, Б.Т. Ибрагимов, профессорлар Х.Т. Шарипов, Т.А.Азизов, Х.Х. Тўраев, А.А. Шабилалов, Б.В. Умаров, У. Худойбергенов, М.М. Эшонхўжаева, Ш.А. Қодировалар илмий мактаблари олимлари фаолият олиб бормоқда. Профессорлар М.П. Юнусов, Т.М. Бабаев, М.Ғ.Мухамедиев, З.А.Сманова, О.Н. Рузимурадов томонидан кимёвий технология, тиббиёт ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида фойдаланиладиган турли полимер сорбентлар ва фотокаталитизаторлар ишлаб чиқилмоқда. Бироқ сорбентлар ва каталитизаторлар бўйича кенг маълумотлар бўлишига қарамасдан, янги сорбент-фотокаталитизаторларни олиш, уларнинг сорбцион, комплекс ҳосил қилиш хоссалари тадқиқ қилинмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти ва «Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази» ДК илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф7-22 «Металлокомплексли наноструктурали фотокаталитизаторлардаги кимёвий боғ табиатининг ўзига хослиги ва уларнинг таъсир механизмларини турли

омилларга боғлиқ ҳолда ўрганиш» (2012-2016 йй.), Я06-05 «Сув ва ҳавони органик чиқиндилардан фотокаталитик тозалаш учун металсульфидли материалларни ишлаб чиқиш» (2017-2018 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади металл оксидлар, органик кислоталар ва N-гетероҳалқали лигандлар ҳосилалари асосидаги сорбцион ва фотокаталитик материалларни олиш, уларнинг физик-кимёвий ва каталитик хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

2-амино-1-метилбензимидазол, гармалин ва N-сақлаган гетероҳалқали гидроксам кислоталар билан Zn(II), Mo(VI), V(IV) ларнинг аралаш лигандли координацион бирикмаларини синтез қилиш, уларнинг тузилишидаги хусусиятларни, кимёвий боғ табиатини ва «таркиб-структура-хосса» орасидаги фундаментал қонуниятларни аниқлаш;

монокристаллар олиш, комплексларнинг кристалл ва электрон тузилишини тадқиқ қилиш, ионларнинг электрон конфигурацияси ва лигандларнинг координацияланиш усулларига боғлиқ ҳолда тузилишдаги хусусиятларини аниқлаш;

фаолланган кўмир ва улар асосида сорбент-фотокатализаторларни олиш, ғовакли матрица, металоксидлар ва координацион бирикмалар асосидаги сорбент-фотокатализаторларнинг таркиби, структураси, микроструктураси ва хоссалари орасидаги боғлиқликни исботлаш;

ноорганик ва органик поллютантларга нисбатан сорбцион хоссаларининг сорбент-фотокатализаторларнинг микротузилиши, комплекс ҳосил қилиши ва сорбция ўтказиш шароитини аниқлаш;

сорбция селективлигини, кинетикаси, гетероген ҳамда гомоген катализ фотокаталитик жараёнларини аниқлаш;

олинган сорбент-фотокатализаторларни саноат шароитида қўллаш учун лаборатория синовидан ўтказиш, саноат ва чиқинди оқова сувларини тозалаш, сувнинг ифлосланишини баҳолашнинг экотоксикологик усуллари учун олинган материалларни қўллаш мумкин бўлган соҳалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти фаолланган кўмир (AC), титан оксиди, темир оксиди, 2-амино-1-метилбензимидазол (MAB), гидроксам кислота (HA) ҳосилалари - никотингидроксам (NHA) ва пиразингидроксам кислота (PHA), гармалин (GLN), полистирол ва дивинилбензол асосидаги полимер матрица (Porolas), молибден, ванадий ва ўтувчи металллар диоксокомплекслари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети органик кислоталар ва азот тутган гетероҳалқали бирикмалар ҳосилаларини комплексларининг таркиби, тузилиши, хоссалари, сорбент-фотокатализаторлар, оксидланиш ва фотодеградация реакциялари катализи, физик-кимёвий хоссалар, сорбция, кинетика ва жараёнлар термодинамикаси, экотоксикологик баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот усуллари сифатида ИҚ-Фурье (ИҚ) ва электрон (УБ) спектроскопия, диффуз қайтарилиш спектроскопия (ДҚС), элемент анализи, рентген фазали (РФА), рентген структурали (РСА), дифференциал-термик (ДТА) анализлар, индуктив-боғланган плазмали масс-спектрометрия (ICP-MS), атом-абсорбцион спектроскопия (ААС), энерго-дисперсион анализ ва сканерловчи электрон микроскопия (SEM-EDX), трансмиссион электрон микроскопия (ТЕМ), Массбауэр спектроскопияси (МС), рентген фотоэлектрон спектроскопия (XPS), суяқ азот бўйича адсорбциядан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Zn(II), Mo(VI), V(V) ларнинг 2-амино-1-метилбензимидазол, гармалин ва N-гетероҳалқали гидроксам кислота билан янги комплекс бирикмалари синтез қилинган;

янги аралаш лигандли комплексларда РНА, ННА, МАВ, GLN молекулаларининг тузилиши ва координацияланиш усуллари, 3 та лиганд ҳамда 4 та Zn(II), Mo(VI), V(IV) комплексларининг кристалл ва молекуляр структуралари аниқланган, шунингдек [GLN+H]₂[ZnCl₄] комплексида бензимидазол ион жуфтларининг ҳосил бўлиши исботланган;

металл комплексларининг каталитик таъсири ацетилацетон ва НА ионлари билан бидентат координацияланган N¹O⁵-конфигурацияли [VO(MAB)(асас)₂] ҳамда O⁶-конфигурацияли [MoO₂(НА-Н)₂] бузилган октаэдрик комплексларнинг электрон тузилиши ва металл иони ташқи электрон поғонасини ўзгартириш билан намоён бўладиган транс-таъсирга боғлиқлиги аниқланган;

илк бор титан ва темир оксидларини фаолланган кўмир ҳамда ноионоген стирол-дивинилбензол матрицаси билан бирлаштириб, хоссалари олдиндан белгиланган янги сорбент-фотокатализаторлар олинган;

илк бор олинган сорбент-фотокатализаторларнинг газ фазада ацетальдегид ҳамда эритмада никел, фосфат ва метилен кўкига нисбатан сорбцион ва кинетик хусусиятлари, шунингдек сорбция ва фотодеградациянинг оптимал шароитлари аниқланган;

эритмада ва қаттиқ фазада ҳосил бўладиган комплексларнинг таркиби ва тузилишининг сорбция жараёнига ҳамда органик молекулалар фотодеградациясига таъсири кўрсатилган, сорбция механизми, десорбцион хоссалар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Zn(II), Mo(VI), V(IV) ионларининг 2-амино-1-метилбензимидазол, гармалин ва N-тутган гетероҳалқали гидроксам кислоталар билан аралаш лигандли координацион бирикмаларини синтез қилиш шароити яратилган;

фаолланган кўмир ва ноионоген полимер матрицалар асосида хорижий аналоглардан қолишмайдиган юқори самарали сорбент-фотокатализаторлар олинган;

оқава сувларни таҳлил қилиш ва сорбцион тозалаш учун услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

сувни экспресс таҳлили учун фотосинтетик фаолликни аниқлаш асосида сувнинг сифатини экотоксикологик баҳолаш усули яратилган;

сорбент-фотокатализаторлар юзасидаги эритмада содир бўладиган сорбция жараёнини компьютерда моделлаштириш орқали уларнинг каталитик хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг замонавий, юқори информацион физик-кимёвий усуллари (ИК, УБ, ДҚЭС, ААС, ICP-MS, ДТА, РФА, РСА, SEM-EDX, ТЕМ, MS, XPS, суюқ азот бўйича адсорбция, квант-кимёвий ҳисоблаш усуллари) қўлланилганлиги билан асосланади. Статистик қайта ишлаш усулларида фойдаланиб, замонавий кинетик ва сорбция термодинамикаси назариялари асосида хулосалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лигандлар ва комплексларнинг электрон, фазовий тузилишини, GLN, РНА, ННА ва МАВ таркиби ва донор атомларининг координацияланиш қобилиятини, шунингдек, сорбент-фотокатализаторлар хоссалари, таркиби, структураси, микроструктураси орасидаги ўзаро боғлиқликни тадқиқ қилишни, сорбент-фотокатализаторларнинг сорбцион ва кинетик хоссаларини ҳамда оксидланиш ва фотодеградация реакцияларидаги каталитик механизмларни аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти 7 та янги бирикма тузилишининг халқаро Кембриж маълумотлар базасига киритилганлиги, экологик аҳамиятга эга бўлган янги сорбцион ва фотокаталитик материаллар яратилганлиги, улардан саноат ва маиший оқава сувларини тозалашда қўлланилганлиги, фотосинтетик фаолликни аниқлаш асосида сувни экотоксикологик баҳолашнинг патентланган янги усулининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Металл оксидлар, органик кислоталар ва N-гетероҳалқали лигандлар ҳосилалари асосидаги сорбцион ва фотокаталитик материаллар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

рух комплекси асосидаги янги препаратни яратиш учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№IAP 03236, 31.03.2003 й.). Натижада экологик мувозанатни сақлаган ҳолда шоли уруғини экиш олди ишлови самарадорлигини оширувчи янги препарат олиш имконини берган;

фотосинтетик фаоллик асосида сувнинг экотоксикологик баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№IAP 04167, 06.09.2007 й.). Натижада яратилган янги биотестлаш усули биопрепаратларни сув ўсимликларининг ҳаётлилигига таъсири орқали сувнинг ифлосланиш даражасини тезкор таҳлил қилиш имконини берган;

еттита янги бирикмаларнинг рентген тузилиши таҳлили натижалари Кембриж кристаллографик маълумотлар базасига киритилган (Cambridge Structural Database, <https://www.ccdc.cam>, CIF: FUZZAB02, XOCFAW,

FUZZAB01, QEQPOR, BOVMAB, IMIXEN, EVAMUK). Натижада базага киритилган янги кимёвий бирикмалар ўхшаш бирикмаларни синтез қилиш ва тузилишини тавсифлаш имконини берган;

сорбция ва фотодеградация бўйича олинган маълумотлардан юқори импакт-факторли (IF) 117 та хорижий журналларда намуналарнинг кристалл ва молекуляр тузилиши, сорбцион ва фотокаталитик хоссали янги материалларни яратиш ва физик-кимёвий таҳлили учун фойдаланилган (Chemistry of Materials, 2015, V.27, RG, IF=8.68; Physical Chemistry Chemical Physics, 2015, V.17, RG, IF=4.20; Chemical Engineering Journal, 2018, V.339, Elsevier, IF=6.735; Environmental science & technology, 2018, V.52, Science Citation Report, IF=6.653; Catalysis Today, 2018, Elsevier, IF=4.667; Journal of Cleaner Production, 2019, V.215, Elsevier, IF=5.651). Натижада металоксид ва ғовак матрицалар асосидаги сорбент-фотокатализаторларни йўналтирилган синтезини амалга ошириш имконини берган;

сувни тозалашни тезлаштириш ва тозалик даражасини ошириш бўйича услубий тавсиянома Сурхондарё вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси амалиёти маиший чиқинди сувларни сорбцион тозалаш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат қўмитасининг 2018 йил 29 январдаги 03-03-752-сон маълумотномаси). Натижада маиший чиқинди сувларни тозалаш самарадорлиги ва тезлигини ошириш имконини берган;

сорбент-фотокатализаторларнинг олиниш усуллари Япониянинг Кюсю университетининг мақсадли илмий тадқиқотида фойдаланилган (Япония Кюсю университетининг 2019 йил 12 мартдаги маълумотномаси). Натижада энергетик ва экологик янги фотокатализаторлар олиш имконини берган;

сорбент-фотокатализаторлар ОТ-Ф7-48 «Полимер материаллар сиртига иммобилланган металллар нанозаррачаларининг фазавий ўзгаришлари механизмини тадқиқ қилиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада технологик ва экологик мақсадлар учун янги сорбцион материалларни яратиш ва чиқинди сувлардан металл ионларини тозалашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 мартдаги 89-03-863-сон маълумотномаси). Натижада чиқинди сувларни детоксификациялашни сорбентлар ёрдамида кимёвий таҳлил маълумотлари билан таққослаш имконини берган;

синтез қилинган координацион бирикмалардан ФА-Ф7-012 рақамли «Полифункционал таъсирли янги аралаш лигандли координацион бирикмаларининг синтези, тузилиши, реакция қобилиятлари ва биологик хоссаларининг илмий асослари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада биологик фаол хусусиятларнинг молекула тузилишига, марказий атом қуршовига ва лигандлар табиатига боғлиқлигини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 14 мартдаги 4/1255-704-сон маълумотномаси). Натижада янги аралаш лигандли комплексларнинг таркиби, тузилиши, лигандларнинг металл ионлари билан координацияланишини тавсифлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 46 та, жумладан, 35 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 67 та илмий иш чоп этилган, шулардан, иккита патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан, 2 та республика ва 17 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Экологияда қўллаш учун сорбцион ва фотокаталитик хоссаларга эга материалларни тадқиқ қилиш**» деб номланган биринчи бобда адабиётлар таҳлили келтирилган бўлиб, унда экология учун сорбцион ва фотокаталитик хоссаларга эга материаллар, фаолланган кўмир олиш ва унинг хоссаларини ўрганишга, саноат чиқиндиларини сорбентлар олишда қўллашга, сувни фотокалитик усулда тозалаш ҳамда фото-Фентон системаларга доир адабиётларнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган.


Адабиётлардаги манбаларда мавжуд бўлган тенденциялар таҳлили шуни кўрсатадики, сорбцион ва каталитик хоссалари яхшиланган каталитик материалларни олиш долзарблигича қолмоқда, анъанавий материалларга қараганда олинишининг соддалиги, мультисорбция қобилятига эгалиги, иқтисодий самарадорлиги ва экологик ҳавфсизлиги жиҳатидан афзаллиги уларнинг ривожланиш истиқболларига эга эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Каталитик хусусиятларга эга N-гетероциклик бирикмаларнинг координацион бирикмаларини ва сорбент-фотокатализаторларни олиш. Сорбцион ва фотокаталитик экспериментлар ўтказиш методикаси**» деб номланган иккинчи бобда тадқиқот объекти ва усуллари келтирилган, дастлабки органик лигандлар, Zn(II), Mo(VI), V(V) нинг 2-амино-1-метилбензимидазол, гармалин ва N-сақлаган гетероҳалқали гидроксам кислоталар билан комплекс бирикмалари

синтези, фаолланган кўмир, фотокаталитик материалларни олиш усуллари, шунингдек сорбцион ва каталитик экспериментларни ўтказиш методикаси баён қилинган. Шунингдек, элемент анализ, ИҚ, УБ, ДҚЭС, РФА, РСА, ДТА, ААС, ICP-MS, SEM-EDX, TEM, MS, XPS, солиштирма сиртни ўлчаш, микротузилиш тадқиқоти ва бошқа тузилишни аниқлаш усуллари тавсифи келтирилган.

Диссертациянинг «Фаолланган кўмир ва ишлаб чиқариш чиқиндилари асосидаги сорбентларнинг тадқиқоти» деб номланган учинчи бобида қоғоз саноати чиқиндиларидан олинган фаолланган кўмир асосидаги сорбентларнинг структурасини ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганишга, шунингдек уларнинг оғир металл ионлари, фосфатлар ва органик бўёқларга нисбатан сорбцион хоссаларига доир натижалар келтирилган.

Фаолланган кўмир ва аморф $\text{CaO} - \text{Al}_2\text{O}_3 - \text{SiO}_2$ дан иборат бўлган ғовакли матрицалар - қоғоз-пластик ёнилғини (RPF) физик ва кимёвий фаоллаштириб (K_2CO_3) олинди. Физик фаоллаштириб олинган намуналар таркибидаги золнинг миқдори (≤ 45 мас.%) кимёвий фаоллаштирилганларга (≤ 28 мас.%) нисбатан анча юқори. Икки босқичли кимёвий фаоллаштирилган намуналарнинг максимал нисбий майдон юзаси ($1300 \text{ м}^2/\text{г}$ га яқин) эса физик фаоллаштириб олинган намуналарга ($500 \text{ м}^2/\text{г}$ га яқин) нисбатан катта (1-расм). Ғовакларнинг тақсимланиши физик фаоллаштирилган намуналар учун микроғовакли структурани, кимёвий фаоллаштирилганлар учун эса мезоғовакли структурани кўрсатди (1б-расм).



1-расм. Ҳарорат таъсирида фаоллашган намуналарнинг $S_{\text{ВЕТ}}$ (а) ва физик (Phys1(700)) ҳамда кимёвий (Chem2(900)) фаоллаштирилган намуналарнинг ўлчамлари бўйича ғовакларнинг тақсимланиши (б)

Намуналар оғир металл ионлари (Ni^{2+}), экологик заҳарли оксианион (PO_4^{3-}) ва органик бўёқлар (метилен кўки (МВ)) бўйича юқори мультисорбцион хоссани кўрсатди. Физик фаоллаштирилган намуналар Ni^{2+} ва фосфат ионларига, кимёвий фаоллаштирилган намуна эса МВ га нисбатан юқори сорбцион сиғимни намоён этди (1-жадвал).

Катта ўлчамдаги МВ молекуласи билан кичик ҳажмдаги ғовакларнинг бир-бирига мос келмаслиги сабабли иккита намунада МВ нинг сорбцияланиш тезлиги деярли бир хил ($k_2(\text{Phys1})=0,13$ ва $k_2(\text{Chem2})=0,15$ г/ммоль·мин) ҳамда нисбатан кичик.

Бундан ташқари органик толалар ва ноорганик тўлдирувчилардан (каолинит ($\text{Al}_2\text{Si}_2\text{O}_5(\text{OH})_4$), кальцит (CaCO_3) ва тальк ($\text{Mg}_3\text{Si}_4\text{O}_{10}(\text{OH})_2$)) ташкил топган қоғоз шламларини майдалаш, куйдириш ва/ёки физик фаоллаштириш йўли билан сувдаги зарарли ноорганик ва органик катион ва анионларни йўқотиш учун арзон, юқори самарали сорбентлар олинди.

1-жадвал

Физик (Phys1 (700)) ва кимёвий (Chem2 (900)) фаоллаштирилган намуналарнинг хоссалари


Сорбат	Намуналар	Лангмюр параметрлари				Фрейдлих параметрлари		
		Q_0 (ммоль/г)	b (л/ммоль)	R^2	ΔG (кЖ/мол)	K_F (ммоль/г)	n	R^2
Ni^{2+}	Phys1(700)	3.45	2900	0.9986	-36.9	2.93	10.9	0.6403
	Chem2(900)	1.40	1.23	0.9943	-17.6	0.81	4.28	0.8789
PO_4^{3-}	Phys1(700)	0.95	27.8	0.9591	-25.4	0.87	38.3	0.1469
	Chem2(900)	0.24	2.00	0.9539	-18.8	0.13	2.53	0.961
МВ	Phys1(700)	0.30	11160	0.9976	-40.2	0.32	62.9	0.8839
	Chem2(900)	0.96	5230	0.9970	-38.3	2.07	6.20	0.9964

Қоғоз шлам 800 °С га қадар қиздирилганда дастлабки ноорганик фазалар парчаланиб, аморф $\text{CaO} - \text{Al}_2\text{O}_3 - \text{SiO}_2$ (CAS) ҳосил бўлади ва у 900 °С да гехленит ($\text{Ca}_2\text{Al}_2\text{SiO}_7$) ва анортитга ($\text{CaAl}_2\text{Si}_2\text{O}_8$) кристалланади. Куйдирилган намуна (С) ва майдаланган гранула намуналари (G) кўринишидаги қоғоз шламнинг органик қисми ҳавода қиздирилганда тўлиқ ёниб кетсада, N_2 атмосферасида физик фаоллаштириш йўли билан олинган намуна (А) фаолланган кўмирга айланди. Физик фаоллаштирилган А намуна С намунага (20 м²/г) нисбатан каттароқ $S_{\text{ВЕТ}}$ (70 м²/г 600°С да) ни намоён қилди. 800°С дан юқори ҳароратда қиздириш натижасида заррачаларнинг ўзаро бир-бирига ёпишиши $S_{\text{ВЕТ}}$ нинг кескин камайишига олиб келсада, G намунанинг $S_{\text{ВЕТ}}$ қиймати (37 м²/г) механик фаоллаштириш натижасида кичик заррачалар шаклланишига олиб келиши оқибатида сезиларди ортди.

Сорбция бўйича тажрибалар шуни кўрсатдики, 700 °С га қадар қиздирилган С ва G намуналарда ҳамда 800 °С дан юқори ҳароратда қиздирилган А намуналарда фосфат иони максимал даражада сорбцияланади (2а-расм). Фосфат ва МВ ларнинг сорбция изотермаси Фрейдлих моделига нисбатан Ленгмюр модели билан яхшироқ тавсифланди. С700, А800 ва G700 намуналарининг сорбцион сиғими мос равишда 2,04, 1,70 ва 1,38 ммоль/г ни ташкил этди. А800 намунасида МВ сорбциясининг Q_0 ва k_2 қийматлари мос равишда 0,11 ммоль/г ва 107 г/ммоль·мин ни ташкил этди. А намунанинг мультисорбцион хусусияти намунада аморф ҳолдаги CAS ва AC ларнинг

мавжудлиги балан изоҳланади. Фосфат ва МВ ларнинг сорбция кинетикаси псевдо иккинчи-тартибли модел билан яхши тавсифланди. Фосфат ионларининг сорбция тезлиги константаси $G700(k_2=6,57) < A800(k_2=0,004) < C700$ қаторда ортади.

Хар хил намуналар учун олинган маълумотларни таққослаш шуни кўрсатдики, таркибида 50–60 мас. % углерод сақлаган намуналар оғир металл ионлари (Ni^{2+}), зарарли оксианионлар (фосфатлар) ва органик бўёқларни (МВ) бир вақтнинг ўзида ютиши учун оптимал ҳисобланади (2b-расм).




2-расм. Фосфат ионларининг иссиқлик ҳароратига (a) ва Ni^{2+} , фосфат ҳамда МВ нинг сорбцияси ўзгаришининг намуна таркибидаги углерод миқдорига боғлиқлиги (b)

Диссертациянинг «Ғовакли матрица ва металоксидлар, металлокомплекслар асосидаги материалларнинг сорбцион ва каталитик хоссалари» деб номланган тўртинчи бобида ғовакли тузилишга эга углеродли, полимер матрица, металл оксидлар, шунингдек гомоген ва гетероген шароитда металл комплекслари асосида олинган материалларнинг физик-кимёвий, сорбцион хоссалари ва каталитик хоссалари ўрганилган.


Яримўтказгич хусусиятига эга бўлган нанозаррачалар шаклидаги металл оксидларини АС структурасига киритиш орқали сорбцион хусусиятлари яхши бўлган фотокаталитик материалларни олиш мумкин. Кукунсимон фаоллашган кўмир ва Fe_2O_3 (Fe-AC) лар асосидаги материаллар микроғовакли АС га Fe(III) нитрат эритмасини шимдириб, сўнгра уни 250 °C да термик ишлов бериш йўли билан тайёрланди. Хар хил миқдорда Fe (~17 мас. %) бўлган Fe-AC намуналари микроғовакли ($S_{вет} \sim 1000 \text{ м}^2/\text{г}$) (3а-расм) ва аморф (3б-расм) тузилишга эга бўлди.

Фаоллашган кўмирнинг Fe_2O_3 билан комбинацияси оксалат кислота (ОА) иштирокида УБ-нурланиш остида МВ нинг адсорбцияси ва фотодеградацияси учун жуда муҳимдир. МВ адсорбцияси қоронғиликда (24 соат) ўрганилди, Fe-AC намуналарининг адсорбцион изотермалари Ленгмюр моделига мос келди. Оксид билан намуналарни импрегнирлаш $S_{вет}$ қийматини 2 мартага камайишига олиб келди. Бир вақтнинг ўзида оксид миқдори ошиши билан адсорбцион сифим (%) (4а-расм) ва фотодеградация

тезлиги (4б-расм) камаяди, лекин МВ нинг фотодеградация миқдори (%) одатда ортади (4а-расм). Бироқ юқори тезликдаги фотодеградация сабабли УБ-нурланиш остида фотодеградация тажрибалари давомида МВ ни эритмага сезиларли даражада десорбциясига олиб келди (4b-расм). Ушбу салбий таъсир Fe нинг масса миқдори ~10% бўлган ва ғоваклар 25% га тўлган намуналар учун кўпроқ аниқланди.



3-расм. 155 ва 250 °C да қиздирилган AC ва 17% Fe-AC намуналарининг рентгенограммалари (a) ҳамда ғовак ўлчамларининг тақсимланиши (b)








4-расм. Fe таркибига боғлиқ ҳолда Fe-AC намуналари учун МВ нинг адсорбция ва фотодеградацияси ўзгариши (C_0 (МВ)=0,13-0,15 ммоль/л, C_0 (ОА)=0,43 ммоль/л ва рН=3,4) (a); 250°C да иссиқлик билан ишлов берилган Fe-AC намуналарида фотодеградация жараёнида МВ концентрациясининг ўзгариши: \diamond -2,8%; \triangle -3,9%; \circ -17% (b); циклик занжирда МВ концентрациясининг ўзгариши (c)



Эксперимент учун дастлабки концентрация $C_0(\text{МВ})=0.08$ ммоль/л, намуна миқдори 100 мг/л бўлган стандарт шароит танланган. Бунда ОА нинг оптималъ концентрацияси $C_0(\text{ОА})=0,43-0,98$ ммоль/л оралиғида ва рН~3 да бўлиб, бунда УБ-нурланишнинг бошида металл оксиди ва юқори фаол темир оксалат комплексларининг ҳосил бўлишига олиб келади. Ҳосил бўлган ортиқча $\bullet\text{OH}$ радикаллар рН нинг ошиши ва эритмадаги темир ионлари концентрациясининг камайиши ҳисобига фотодеградациянинг тўхташига олиб келди. Гетероген ва гомоген фотокатализнинг комбинацияси Fe_2O_3

заррачалари юзасида фотокаталитик жараёнлар ва ОА эритмасида темир оксидининг эриши ҳисобига фотоактив комплекс ҳосил бўлиши билан боғлиқ. МВ ва ОА нинг бир вақтда минераллашуви умумий органик углерод (ТОС) таҳлили натижалари билан исботланди. 4 та циклдаги тажрибалар асосида Fe-AC катализаторининг циклик ишлатилиши исботланди (4с-расм).

Гранула ҳолида мезоҶовакли AC га (BAU маркали) молекула ўлчами билан бир-биридан фарқланадиган темир оксалат (OA), темир хлорид (CL) ва темир *трис*-бензогидроксамат (HA) лар иштирокида темир оксиди (BAU-OA, BAU-CL, BAU-HA) шимдирилди. OA эритмасида МВ адсорбцияси ва фотодеградацияси УБ- ва қуёш нури таъсирида нурлантириш шароитида ўрганилди. Матрицани шимдириш шароитида металхелатлар кўмирнинг микроҶоваклари ҳамда сиртки юзасини самарали тўлдиради. 250 °C да иссиқлик билан ишлов берилгандан кейин олинган BAU-OA, BAU-HA ва BAU-CL намуналарнинг нисбий майдон юзаси ($S_{\text{ВЕТ}}$) ва Ҷоваклар ҳажми (V_{P}) тегишли равишда 111; 4 ва 50 м²/г ҳамда 0,07; 0,01 ва 0,01 мл/г ташкил қилди. XRD натижалари BAU-OA ва BAU-HA (FeOОН ва Fe₂O₃) намуналарида қисман кристалликни, BAU-CL нуманасида эса бутунлай аморфликни кўрсатди. SEM натижалари ва Массбауэр спектри BAU-OA, BAU-HA ва BAU-CL намуналари учун кўмир матрицасида оксид нанозаррачаларининг текис тақсимланишини ва BAU-HA намунасида Ҷовакларнинг тўсилганлигини исботлайди (5-расм). BAU-OA ва BAU-CL намуналарида адсорбцион қобилиятнинг катта бўлиши $S_{\text{ВЕТ}}$ ва V_{P} ларнинг юқори бўлиши билан боғлиқ. Шунингдек BAU-HA МВ га нисбатан яхши абсорбцион қобилиятни намоён этди. Сорбция изотермаси Фрейндлих моделига нисбатан Ленгмюр моделига кўпроқ мос келди. Қуёш ва УБ-нурланишдаги МВ нинг фотодеградацияланиш тезлиги BAU-CL ва BAU-HA га нисбатан BAU-OA ($C_0(\text{МВ})=0.015-0.025$ ммоль/л, $m_{\text{намуна}}=10$ мг/л, $C_0(\text{OA})=0.43$ ммоль/л) намунаси учун юқори.

OA эритмасида темир оксидларини эритиб, гетероген (1-9 тенглама) ва гомоген (10-17 тенглама) катализнинг комбинациясига эришилди. Фотодеградация вақтида рН~3 да ионлар концентрацияси $[\text{Fe}^{3+}] \sim 1$ ppm -ОН-радикалларни юқори фотоактив заррачаларнинг $[\text{Fe}(\text{III})(\text{C}_2\text{O}_4)_2]^-$ ва $[\text{Fe}(\text{III})(\text{C}_2\text{O}_4)_3]^{3-}$ ишлаб чиқариши билан боғлиқ.






5-расм. BAU-CL-Fe (a), BAU-OA-Fe (b), BAU-NA (c), GAC1-Fe (d), GAC2-Fe (e), GAC3-Fe (f), ACFT(PS-A20)-Fe (g), Fe-ACFT(PS-A20)-Fe(h) намуналарнинг SEM ва Массбауер спектри (i)

Аморф углерод билан қопланган глобулалари графитли углеродли нанозаррачалардан ташкил топган пиролизтик углерод ва углерод агрегатларининг (GAC) сферик гранулалари фаоллашган углерод-углеродли композитлар темир оксиди (мас. % Fe = 0,6–10) билан шимдирилди. XRD натижалари GAC-Fe композитларининг графит, аморф ҳолдаги углерод ва аморф темир оксидидан иборат эканлигини тасдиқлади. МВ бўйича $S_{\text{ВЕТ}}$ қиймати ва сорбцион сиғими катта бўлган GAC-Fe композитлари учун юқори фотодеградация тезлигини намоён қилди (6-расм). Эритмадан МВ ни умумий ажратиш H_2O_2 ни қўшмасдан адсорбция ва фотодеградация жараёнларини

бирга қўллаш орқали амалга ошди. Умумий органик углеродни (ТОС) таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, оксалат кислотани сақлаган сувли эритмада МВ нинг рангсизланиши органик бирикмаларнинг CO_2 ва H_2O га қадар тўлиқ парчаланишига тўғри келди.



6-расм. а) GAC1, (b) GAC2 ва (c) GAC3 намуналари иштирокида МВ концентрациясининг қоронғиликда адсорбцияланиши ва УБ-нур таъсирида фотопарчаланишида ўзгариши; $C_0(\text{MB})=0,025$ ммоль/л ва $C_0(\text{OA})=0,43$ ммоль/л


Фаоллашган кўмир тола АCF (A20 маркали) ва полиэфирли толадан ташкил топган намоб композицион материал (PS-A20), шунингдек АCF (W15 маркали) ва полиэтилен пульпадан иборат композитларни (PE-W15) Fe(III) нитрат билан шимдириб, сўнгра 250°C ҳароратда куйдирилди. Таркибида ҳар хил миқдор Fe 0, 5,3 ва 31,5 мас. % бўлган олинган Fe-ACFT (PS-A20) намуналар микроғовакли бўлиб, $S_{\text{вет}}$ қиймати мос равишда 1000, 750 ва 150 $\text{m}^2/\text{г}$ га тенг. Fe нисбати 0,2 и 35 мас. % бўлган Fe-ACFT (PE-W15) намуналар эса мезоғовакли бўлиб, уларнинг $S_{\text{вет}}$ қиймати мос равишда 830, 790 и 320 $\text{m}^2/\text{г}$ га тенг. Сувли эритмадан МВ адсорбцияси Фрейндлих моделидан кўра кўпроқ Ленгмюр моделига мос келди. 35% Fe-ACFT мезоғовакли намуна (PE-W15) микроғовакли 31% Fe-ACFT намунага (PS-A20) нисбатан эритмадан МВ сорбцияси бўйича юқори сорбцион сифимни намоён қилди.

Гранула қилинган ва кукун ҳолидаги АС бўлгани сингари АCF, Fe_2O_3 , ОА ва УФ-нур комбинацияси ҳам МВ нинг адсорбция ва фотодеградацияси учун жуда муҳим. Fe_2O_3 ни импрегнирлаш $S_{\text{вет}}$ ни, шунингдек адсорбцион қобилият ва фотодеградациянинг тезлик константасини (k_{app}) камайтирсада, МВ нинг фотодеградацион миқдорини (%) оширди. Юқори тезликдаги фотодеградация УБ-нурланишда МВ нинг эритмага десорбцияланишига олиб келди. Ушбу таъсир мезоғовакли Fe-ACFT (PE-W15) намуналар учун кўпроқ аниқланди. Эритмадан МВ нинг йўқолиб кетиши Fe-ACFT нинг фотокаталитик фаоллиги, эритмада адсорбция эффекти ва гомоген катализ билан изоҳланади.

Эксперимент $\text{pH}\sim 3$ ($C_0(\text{OA})=0,98$ ммоль/л, $C_0(\text{MB})=0,02-0,05$ ммоль/л), намуналар миқдори 100 мг/л шароитда олиб борилди. $\text{pH}\sim 3$ қийматда УБ-нурланиш бошида Fe (22-26 ppm) ионларининг эриши ва юқори фотофаолликка эга Fe(III)-ОА комплексларининг ҳосил бўлиши натижасида

гетероген ва гомоген катализ комбинациясига эришилди. УБ-нурланиш вақтида кўпроқ •ОН радикаларининг пайдо бўлиши рН қийматининг кўтарилиши ва Fe^{3+} ионларининг 2 ppm га қадар пасайишига олиб келди. МВ ва ОА нинг бир вақтда деярли тўлиқ минераллашуви (91%) ТОС таҳлил қилиш орқали ҳам исботланди.

АС нинг гетероген фотокатализга таъсирини тасдиқлаш учун наноструктурланган TiO_2 (P25) нинг сувли суспензиясига толали композит материални ботириш йўли билан АСFT га TiO_2 киритилди (TiO_2 -АСFT). Олинган материал $250^\circ C$ ҳароратда 1 соат давомида қиздирилди. SEM (7a,b-расм) ва XRD маълумотлари АСFT да титан оксиди нанозаррачалари анатаз шаклида (7c-расм) текис тақсимланганлигини кўрсатди.




7-расм. Турли миқдорда TiO_2 сақлаган АСFT намуналарининг SEM натижалари: (a) 35% TiO_2 -АСFT (PE-W15); (b) 29% TiO_2 -АСFT (PS-A20); (c) намуналарнинг рентгенограммалари; намуналардаги ғовакларнинг тақсимланиши (d) 38% TiO_2 -АСFT (PE-W15); (e) 29% TiO_2 -АСFT (PS-A20)

Олинган намуналарнинг адсорбцион ва фотокаталитик фаоллиги газ-фазали ацетальдегид (АСН) нинг ва метилен кўки (МВ) эритмасининг қоронғида ҳамда УБ-нур остида адсорбцион ва фотодеградациясини ўлчаш орқали баҳоланди. 7d,e-расмдан кўриниб турибдики, таркибида 29 мас.% TiO_2 бўлган TiO_2 -АСFT (PS-A20) намунаси $S_{ВЕТ}=738$ м²/г қиймати билан микроғовакли бўлса, 35 мас.% TiO_2 бўлган TiO_2 -АСFT (PE-W15) намунаси эса $S_{ВЕТ}=586$ қиймати бўйича мезоғовакли бўлди.

Сувли эритмадаги МВ адсорбция изотермаси Ленгмюр модели билан яхши тавсифланди. Мезоғовакли 35% TiO_2 -АСFT (PE-W15) намунаси микроғовакли 29% TiO_2 -АСFT (PS-A20) намунага нисбатан сувли эритмада МВ га нисбатан юқори сорбцион қобилиятни намоён этди. TiO_2 заррачаларини киритиш $S_{ВЕТ}$

қиймати камайтирди, натижада адсорбцион қобилият ҳамда фотодеградациянинг тезлик константаси (k_{app}) ҳам пасайди, МВ нинг фотодеградацияланиш миқдори (%) эса ортди. Юқори тезликдаги фотодеградация УБ-нурланишда МВ нинг эритмага десорбцияланишига олиб келди. Шунга ўхшаш УБ-нур таъсирида АсН нинг минерализация маҳсулотлари фотокатализатор юзасидан осонликча десорбцияланиши кузатилиб, бу таъсир мезоғовакли намуна TiO_2 -АСФТ (PE-W15) да кўпроқ намоён бўлди.

Бундан ташқари фотокаталитик системаларни осон ажратиш ва бир неча бор ишлатиш учун икки хил Fe(III) тузлари (темир нитрат ва темир оксалат) иштирокида аморф Fe_2O_3 нанозаррачалари кўндаланг боғлар билан ўзаро тикилган стирол-дивинилбензолли ғовакли полимер матрицага (Porolas) қўшимча равишда киритилди. Fe_2O_3 -Porolas композитлар Porolas га Fe(III) тузларини шимдириб, сўнгра $250^\circ C$ ҳароратда 1 соат давомида куйдириб олинди.




8-расм. Намуналарнинг TEM ва HRTEM маълумотлари: (a) Porolas, (b) 1% Fe_2O_3 -Porolas; (c) 7% Fe_2O_3 -Porolas; (d) 1% Fe_2O_3 -Porolas намунасининг XPS спектри

Таркибида 0, 1 ва 7 мас. % Fe_2O_3 нанозаррачалар бўлган Fe_2O_3 -Porolas намуналари макро ва мезоғовакли бўлиб, $S_{вет}$ қийматлари мос равишда 655, 313 и 49 m^2/g га тенг. Таркибида 7% Fe_2O_3 бўлган Fe_2O_3 -Porolas композити 1% Fe_2O_3 бўлган Fe_2O_3 -Porolas композитига нисбатан сувли эритмадан МВ га

нисбатан юқори адсорбцион қобилиятни намоён қилди. МВ концентрациясининг пасайиши Fe_2O_3 нанозаррачаларининг фотокаталитик фаоллиги (гетероген фотокатализ), адсорбция эффекти ва сувли эритмадаги гомоген фотокатализ билан изоҳланади. Porolas нинг тўрсимон тузилиши ва юқори дисперсли Fe_2O_3 нанозаррачалари қўшимча равишда Fe_2O_3 -Porolas композитининг фотокаталитик фаоллигини оширишга ёрдам берди. Тадқиқотлар натижасида МВ нинг тўлиқ рангсизланиши (96-98%) ва ТОС нинг 97% дан юқори бўлишига эришилди, бу эса сувли эритма МВ ва ОА нинг бир вақтда минераллашуви тасдиқлайди.

Оқава сувларни фотокаталитик қайта тозалаш тизимида қўллаш ва энгил ажралиши учун Fe_2O_3 -Porolas композитини осон ва арзон тайёрлаш мумкин.

Fe_2O_3 -Porolas композитининг оптик хусусиятлари СДО-спектрлари ёрдамида ўрганилди. 9а-расмда 1% Fe_2O_3 -Porolas ва 7% Fe_2O_3 -Porolas намуналарининг ютилиш спектрлари келтирилган. Fe_2O_3 -Porolas композити учун ютилиш спектрларининг бошланиши 800 нм дан юқори, Fe_2O_3 эса деярли барча кўринадиган нурни ютиши мумкин. 7% Fe_2O_3 -Porolas билан солиштирилганда 1% Fe_2O_3 -Porolas композитида Fe_2O_3 ва Porolas фазалари орасида яқинроқ алоқа бўлганлиги туфайли улар кўринадиган нурни кенг соҳада ютади. Fe_2O_3 микдорининг ортиши билан ютилиш спектрларининг жадаллиги ҳам ортади, бу эса тайёр композитларнинг рангидаги фарққа мос келади (9а-расм). Нурни ютиш қобилияти Fe_2O_3 нинг ультрадисперс нанозаррачалари билан яқин алоқани ҳосил қилиш орқали сезиларли даражада яхшиланиши мумкин деган хулосага келинди, бу эса фазалар орасидаги таъсир баръерининг камайишига ва ярим ўтказгичда электрон боғланишининг кучайишига олиб келади. Бу кўп микдордаги фотоиндуцирланган электронлар ва тешикларни ҳосил қилишда фойдали бўлиб, композитларнинг фотокаталитик хусусиятларини яхшилади. Яримўтказгичларга асосланган фотокатализаторларнинг энергия даражаси ва тақиқланган соҳаси кенглиги (9б-расм) уларнинг фотокаталитик хусусиятларини аниқлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.




9-расм. 1% Fe_2O_3 -Porolas ва 7% Fe_2O_3 -Porolas ларнинг ДҚС (а) ва Таука боғлиқлиги (б)


Хар иккала Fe_2O_3 -Porolas композитларининг ИҚ-спектрларида деярли ҳеч қандай тафовут кўринмайди, фақат Porolas спектрига нисбатан чўққиларнинг кенгайиши бундан мустасно бўлиб, бу эса ультрадисперс

темир оксиди нанозаррачалари Porolas нинг кимёвий структурасини ўзгартирмаслигидан ёки Fe_2O_3 миқдори матрицага таъсир этмайдиган даражада камлигидан далолат беради (10-расм).

Гетероген ва гомоген фотокатализ жараёнларини ҳисобга олган ҳолда фотокатализатор-сорбентларнинг таъсир механизми 11-расмда таклиф этилган. Компьютерда моделлаштириш шуни кўрсатдики, ортиқча оксалат молекулалари Fe_2O_3 ва FeOOH нанозаррачалари юзларидаги адсорбцион жойларни эгаллайди ва МВ молекулалари билан рақобатлашади. $\text{Fe}_2\text{O}_3(10-2)$ сиртида органик молекулалар ва сувнинг бир вақтнинг ўзида адсорбцияланиши $\text{FeOOH}(120)$ сиртида адсорбцияланишига нисбатан кучли (экзотермик) [$E_{\text{ads}}(\text{Fe}_2\text{O}_3) - E_{\text{ads}}(\text{FeOOH}) = -3,77$ ккал/моль].



10-расм. ИК-спектрлар: Porolas (a), 1% Fe_2O_3 -Porolas(b); 7% Fe_2O_3 -Porolas (c)




11-расм. Кўринадиган нур билан нурлантирилганда Fe_2O_3 -Porolas композитида МВ нинг фотодеградацияланиши схемаси

Бундан ташқари янги гомоген оксидланиш катализаторларини олиш учун V(IV) ва Mo (VI) ларнинг хар хил кристалл структураларга эга бўлган оксокомплекслари синтез қилинди.

Комплекс $\text{K}_2[\text{MoO}_2(\text{NHA}-2\text{H})_2] \cdot 8\text{H}_2\text{O}$ комплекс анион $[\text{MoO}_2(\text{NHA}-2\text{H})_2]^{2-}$, кристаллизация сув ва K^+ катионидан ташкил топган. K^+ ионларининг комплекс анион билан ўзаро таъсири гидроксамат фрагментидаги азотдан эмас, балки пиразин гетероциклидаги азот атомлари иштирокида кетиши аниқланди. РНА ни Мо (VI) билан комплекс ҳосил қилишида беш аъзоли хелат цикл ҳосил бўлиши учун лиганд хар иккала кислород атомлари ёрдамида металл атоми билан боғланади. Мураккаб анионнинг тузилиши 12а-расмда берилган, геометрик параметрлари эса CIF (IMIXEN) архивида мавжуд. Металлциклдаги боғ узунликлар ва бурчаклар Мо (VI) комплекслари учун ўхшаш қийматларга эга ва РНА моногидрати (CIF: FUZZAB02, XOCFAW) структураси маълумотлари билан мос келади. РНА молекуласи кето шаклда, Z-конфигурациясида мавжуд (C=O 1,249(4), C-N 1,330(4), N-H 0,69 (3) Å, O-C-N 120,5(3)°). Сув молекулалари РНА молекулаларини

димерларга бирлаштиради. Бу димерлар NH...N молекулалараро водород боғлари ёрдамида икки ўлчовли тармоқларни шакллантириш учун бирлаштирилган. Лигандларнинг (РНА-2Н)²⁻ енол шаклининг мавжудлиги РНА билан солиштирилганда геометрик характеристикаларнинг ўзгариши билан тасдиқланади, яъни С – О боғнинг узайиши ($\Delta = 0,02-0,05 \text{ \AA}$), С – N ($\Delta = 0,03 \text{ \AA}$) ва N – О ($\Delta = 0,04 \text{ \AA}$) боғларнинг қисқариши, шунингдек ОСN 120(1)°, 122(2)° ва СНО 111(1)°, 113(1)° (sp^2 гибридланиш) бурчаклари қийматларининг ўзгариши.

Мо полиэдри геометрияси оксобирикмалар учун бўлган барча хусусиятларни сақлайди: МоО₂ гуруҳининг *цис*-конфигурацияси, оксолиганднинг (O_m) муҳим структуравий *транс*-таъсирини ва O⁶ октаэдрнинг типик бурчак бузилишларини намойиш этади. Бироқ Мо(VI) нинг координацион полиэдри K₂[МоО₂(ННА-2Н)₂]²⁻ дан катта бузилишлари билан фарқ қилади. Мо – O_m, Мо – O_{cis}, Мо – O_{trans} масофа ва O_mМоO_m бурчак молебденли комплексларга хос. Сув молекулалари ва K⁺ катионлари комплекс анионларни 4₁ ўқ бўйлаб спиралсимон занжирда боғлайди. Н₂О молекулалари гидроксамат фрагментидаги О ва N атомлари ҳамда МоО₂ гуруҳидаги О атомлари орасида водород боғланишни вужудга келтиришда донорлик вазифасини бажаради. Мураккаб анионлар сув молекулалари билан x ҳамда y ўқ бўйича жойлашган занжирлар орқали, кейин эса қатламларга боғланган. Водород боғланишлар ва K⁺ катионлар системаси Н₂О молекулалари билан тўлдирилган бўшлиқлар билан кучли уч ўлчамли каркасларни ҳосил қилади (12 с -расм).



12-расм. (a) [MoO₂(ННА-2Н)₂]²⁻ ва (b) [MoO₂(РНА-2Н)₂]²⁻ тузилиши; (c) K₂[MoO₂(РНА-2Н)₂] 4Н₂О ва (d) [K₂МоО₂(ННА-2Н)_n] 4nН₂О тахлами

[K₂МоО₂(ННА-2Н)_n] 4nН₂О кристалларининг структура бирликларини комплекс анионлар (икки даражали ўқ бўйича жойлашган), катионлар ва

кристаллизацион сув молекулалари ҳосил қилади (12d-расм). Лигандларнинг (РНА-2Н)²⁻ енол шаклининг мавжудлиги РНА билан солиштирилганда геометрик характеристикаларнинг ўзгариши билан тасдиқланади, яъни С – О боғининг узайиши ($\Delta = 0,02-0,05 \text{ \AA}$), С – N ($\Delta = 0,03 \text{ \AA}$) ва N – O ($\Delta = 0,04 \text{ \AA}$) боғларнинг, шунингдек OCN 120(1)°, 122(2)° ва CNO 111(1)°, 113(1)° (*sp*² гибридизация) бурчак қийматларининг қисқариши билан тавсифланади (12b-расм). Аксинча, ННА молекуласининг алоҳида структуравий бирлиги RCONHOH нинг энг кенг тарқалган кето-шаклида мавжуд ва Z-конфигурацияга эга: C=O 1,284(14), C-N 1,343(14), N-H 0,92(4) А, CNO 117,0(1)°. ННА структурасида молекулалараро ягона водород боғланиш аниқланиб, у ННА молекулаларини бир занжирда боғлайди (CIF: FUZZAB01).

Мо полиэдри *d*⁰-металларнинг оксобирикмаларига хос бўлиб, МоО₂²⁻ даги молибден атомига иккиламчи боғлар билан боғланган охириги О-атомларининг цис-конфигурациясида ва оксолиганднинг сезиларли *транс*-таъсирининг намоён бўлиши ўзига хосдир. Молибден ва кислород атомлари орасидаги боғлар нозквивалент бўлиб, бу эса Мо координацион октаэдрининг чизикли ва бурчакли бузилишига олиб келади.

